

Бугуннинг гапи

Сўнгги пайтлар ижтимоий тармоқлардаги хабарларда турли жиноятлар ва айниқса, бировга зарар етказиш, қасддан одам ўлдириш ҳолатлари бот-бот кўзга ташланмоқда. Ўқитувчилар ва шифокорларга куч ишлатиш кўнгинингизни хира қилса, уюшган жиноятчилар қилмишидан бир инсоннинг азиз ҳаётига нукта қўйилгани қарахт аҳволга солиб қўяди. Надаматким, Ўзбекистонда қасддан одам ўлдириш жинояти йилдан-йилга ортиб бораётганлиги айрим юртдошларимиз орасида тажовузкорлик кучайиб бораётганини кўрсатади.



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси

БИР ЖИНОЯТ ЖАБРИ

бутун жамиятга тегишлидир

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, республика бўйлаб сўнгги 6 ой ичида 217 та қасддан одам ўлдириш ҳолати ёки одам ўлдиришга уриниш жиноятлари қайд этилган. Бу эса жами жиноятларнинг 0,5 фоизини ташкил қилиши ва 2020 йилнинг дастлабки 6 ойидаги кўрсаткичдан кўплиги таъкидланган. Шунингдек, гуруҳ бўлиб содир этилган жиноятларда иштирок этган фуқаролар сони 7994 тага етгани аниқланган.

Ижтимоий тармоқлар орқали хабар берилаётган қасддан одам ўлдириш ёки одам ўлдиришга уриниш ҳолатларига разм солсангиз, улар асосан ёшлар вакиллари иштирокида содир этилаётганига гувоҳ бўласиз. Демак, маҳалла ва ёшларни огоҳликка чақириш ишлари кўнгилдагидек эмас. Таълим-тарбия сифатини ошириш, ёшларни таълимга қизиқтириш, уларни фойдали меҳнат билан банд этиш орқали жиноятларнинг олдини олиш мумкинлиги кундек равшан. Инчунин, ёшлар орасида бундай разил ҳолатлар кўпаяётган экан, мазкур муҳим вазифалар ўрнида олиб борилаётган, дейишимизга асос бор.

“Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида...” қабилдаги ҳисоботлар кўп. Ваҳоланки, “Ёшларнинг бўш вақти – душманнинг иш вақти” нақли нечоғлик долзарблиги кўп бора исботланиб бўлди. Ёшларда умуман бўш вақт бўлмаса, илм, ҳунар, меҳнат билан доимий банд бўлишса, жиноятларга ўрин қолмайди. Бинобарин, агрессияга асосий сабаб – энергиянинг ноўрин сарфи. Олдин одамлар меҳнат билан кўпроқ банд бўлганлар, бор куч меҳнатга сарфланган. Ҳозир эса инсон меҳнати кўп жиҳатдан техникага юкланган, кўпчилиكنинг кундалик турмуши камҳаракатликка асосланган. Тўпланиб қолган энергия эса салбий ва зўравонлик мақсадларида ишлатилмоқда.

Ёшлар ўртасида муштумзўрлик кўпайганининг яна бир сабаби ота-оналар ва оилавий муҳит билан боғлиқ. Болаликдан фикрлар ва муносабатлар тўғри шаклланимаса, аксинча, нафрат билан суғорилса, бу келажақда жиноятга етаклайди.

Ўзи ҳаёт қонунини шундай: салбий фикрлар бора-бора тажовузга ундайди. Масалан, кеч қолган “Тез ёрдам” ходимининг ёқасидан олган одам бир зумда, яқин кишининг ўлимидан шу ҳолга тушмади, унда йиллар давомида инсонларга нисбатан нафрат бўлган. Вазият қаҳрамони эса нафратлардан бўшаниш манбаси бўлиб кўринган. Фарзандининг устозига қўл кўтарган ота-она бу воқеа содир бўлгунга қадар ҳам ҳаётдан норози бўлиб, муаммолар қуршовида яшаган. Мактабга келиб жанжал кўтариш тўпланган аламларни сочиш учун қулай фурсат, холос. Аёлини қалтаклаган эркак болалигида-ноқ аёлларга нисбатан салбий муносабат билан

ўсган. Бундай мисолларни узоқ давом эттириш мумкин. Мухтасар айтганда, тажовуз йиллар давомида илдиз отади ва ривожланади, биз юзага чиққанини кўрамиз, холос. Шундай экан, тарбия ўчоғи ҳисобланмиш оилада фарзандларга тили ва қўли билан бошқаларга озор етказиш улкан хато эканлигини болаликдан оқ синдириш мақсадга мувофиқ.

Қасддан одам ўлдириш ёхуд бунга уриниш акс этган видеолар ҳақлар тарқалиши жамоатчиликда қўрқув ва ваҳима уйғотмоқда, аҳолининг жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ишлар бўйича кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда. Бундан ҳулосаланадики, жиноятларнинг олдини олиш бўйича кўрилатган амалий ишлар кўламини кенгайтириш аини дамда ҳар қачонгидан ҳам зарур. Жамоатчилик назоратини ошириб, келгусида бу каби ҳолатлар такрорланмаслиги учун мутасадди ташкилотлар огоҳлигини кучайтириш шарт.

Содир этилган жиноятлар учун жазо муқаррар эканлигини амалий мисоллар билан кенг тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ҳам салмоқли ўрни бор. Афсуски, ҳозирги масс-медиа фақатгина жиноятни кенг омма олдига фаш этиш билан шуғулланиб қолмоқда. Айниқса, баъзи интернет сайтлар мухбирлари ва блогерлар ўз аудиториясини кенгайтириш ниятида ана шу носоғлом усулни танлаётдилар. Уларнинг мақсади шов-шув кўтариб, одамларнинг руҳияти ва кайфиятини жунбушга келтириш холос. Сунъий куюнчаклик билан бонг урадилару мавзулари муддатини жуда қисқа белгилайдилар. Яъни бироз вақт ўтгач, масалага қайтиб, жиноятчиға қандай жазо белгилангани, ҳуқуқий жараён нима билан якун топганини очикламайдилар. Чунки улар учун бу қизиқ эмас. Улар бу пайтда бошқа бир безорилик ҳақида айюҳаннос солаётган бўладилар.

Тажовузкор жиноятчи ўзига ва бутун жамиятга зарар келтиради. Улуғ мутафаккир бобомиз Мир Алишер Навоий

Олам ахли билингизим,
иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизақим,

дея қилган оқилона насиҳатлари ҳамон долзарблик мақомида турибди. Ғанимона кайфият, тажовуз ва уинг асоратидан келиб чиқадиган жиноятлар қурбони фақат ўша вазиятдаги жабрланувчи эмас, балки унинг касрига бутун давлат, жамият ва халқ қолади. Зеро, башарият ойнасига туширилган биргина доғ афкор омма онг остида қора нукта ясашга қодир. Бундай оқибатдан огоҳ бўлиш учун бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этиш бурчимиздир.



ислоҳотлар
натижадорлигига
хизмат
қилаяптими?!

Бюджет ҳисоботини кўриб чиқишда бир тизимли масала борки, аё биз уни доимий анъана деган шубҳага бориб қолаяпмиз. Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган айрим вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган маблағларни ўзлаштирилмаслик ёки ноқонуний сарфланиш ҳолатлари доимий давом этаверади.

Хусусан, ҳисобот даврида Халқ таълими вазирлигида 65,2 млрд. сўм, Соғлиқни сақлаш вазирлигида 41,7 млрд. сўм, Мактабгача таълим вазирлигида 59,2 млрд. сўм, Автомобиль йўллари қўмитасида 59,3 млрд. сўм, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигида 24,1 млрд. сўм ва Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияларида 55,8 млрд. сўм

камомат ва хато-камчиликлар аниқланган, яъни республика бўйича 1-ярим йилликда жами 372,7 млрд. сўмлик маблағлар ноқонуний сарфланишига йўл қўйилган. Бу каби камчиликлар ҳар йили тизимли давом этиб келаверса, жавобгар аниқланмаса, мазкур соҳаларнинг ривожланишига кимда ишонч бўлиши мумкин?

МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ ПАРТИЯДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида партиядошларимиз ҳам бор. Сафдошларимизни юксак мукофот билан муборакбод этамиз.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ

Ахмедов Мухаммат-Али —
Халқаро Амир Темури жамағамаси раиси, ёзувчи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН АРТИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ

Арабов Илбас Исмаилов —
Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чолғу ижрочилиги кафедраси мудири

Ташпулатов Хамид Артикбаевич —
Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ

Меҳмонов Мўйсинжон Дадажонович —
Қувасой шаҳридаги «Industrial Consulting Group» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Фарғона вилояти
Абдурахманова Халима Пайзирхмановна —
Партия фаоли, Тўрақўрғон тумани, «Ёртепа» маҳалла фуқаролари йиғини раиси

«ДўСТЛИК» ОРДЕНИ

Рахмонов Абдукамол Шодиевич —
«Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши раисининг ўринбосари
Ахмедкулов Джора —
Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгаши котибият мудири, Тошкент вилояти

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ

Зайниддинов Шарафиддин —
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори

II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ

Абдуллаева Муаттархон Илесовна —
Яшнобод тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, Тошкент шаҳри

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ

Пардаева Марҳабо Давлатовна —
Республика Маънавият ва маърифат марказининг Бухоро вилояти бўлими раҳбари, Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ

Машарипов Отахон Каримбергенович —
Халқ депутатлари Хива тумани Кенгаши депутати
Шукуров Ориф Жумабаевич —
«Адолат» СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси
Сайдуллаев Шукурullo Хабибуллаевич —
Қўштепа туманидаги «Шукрдавлат» хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти
Дониёров Неймат Равшанович —
Хатирчи туманидаги шахсий томорқа ер эгаси

ЯНГИ АВЛОД ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА НАШР ЭТИШ замон талабига жавоб берадими?

✓ Партия назорати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари умумий ўрта таълимнинг “Миллий ўқув дастури”ни амалиётга жорий этиш бўйича соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказига ташриф буюрди.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги томонидан илгор халқаро таърибалар асосида “Миллий ўқув дастури”ни тузиш ҳамда мазкур дастур асосида 2021-2022 ўқув йилининг 1 сентябригача 1–2-синф ўқувчилари учун етти тилда янги авлод дарсликлари ҳамда мазкур синфларда дарс берувчи ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, ўқувчининг машқ дафтари ва мультимедиа иловаларини яратиш ва нашр этиш соҳасида самарали ва изчил ишлар олиб боришмоқда.

Маълумки, “Адолат” СДП Сайлов-олди дастурида таълим сифатида алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар сифатининг назорати Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг 2021 йилги иш режасида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 225-бандида белгиланган умумий ўрта таълимнинг “Миллий ўқув дастури”ни жорий этиш вазифалари ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини олиб бориш белгиланган.

Амалдаги дарсликлар камчиликларини бартараф этиш бўйича аҳолидан, ота-оналардан таклифлар келиб тушмоқда ва ушбу мавзу ижтимоий тармоқларда ҳам кўпгина муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Дарҳақиқат, амалдаги айрим дарсликларда бир қатор камчиликлар борлиги аниқланган.

Жумладан, дарсликда ўқув дастурининг боб ва мавзулари тўлалигича ўз ифода-сини топмаганлиги, дарсликдаги мавзуларнинг ўқув режадаги дарс соатларига номуносив эканлиги, дарслик мазмунига миллий ғояларнинг тўлалигича сингдирилмаганлиги, мавзу, савол ва топшириқларнинг кетма-кетлиги ва узвийлигининг таъминланмаганлиги, мавзуларни ёритишда материалларнинг илмий жиҳатдан тўғри берилмаганлиги, ўқув материаллари замонавий ва қизиқарли усулларда баён этилмаганлиги, матн ва иллюстрацияларнинг ўзаро уйғун эмаслиги, дарслик материалларининг амалиёт, теваарак-атрофдаги ҳодисалар, воқеалар ва касбга йўналтириш билан боғлиқлиги таъминланмаганлиги, дарслик мавзуларини ўзлаштириш учун берилган машқ, топшириқ ва амалий машғулотларнинг педагогик технологиялар асосида тузилмаганлиги, имловий ва услубий хатолар кўзга яққол ташланади.

Депутатлар, партия фаоллари томонидан ҳудудлардаги умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган дарсликларни ўрганиш жараёнида нафақат дарсликлардаги хато-лар, балки айрим мактабларда дарсликларнинг етарли эмаслиги, айрим мактаблардаги кутубхоналар талабга жавоб бермаслиги ҳам аниқланди. Жумладан, Андижон вилоятидаги 764 та мактабдан 576 таси ўрганилиб, мактаб ўқувчилари дарсликлар билан 96 фоиз, Бухоро вилоятининг 9 та туманидаги 347 та мактабдан 345 таси ўрганилиб, мактаб ўқувчилари дарсликлар билан 96 фоиз таъминлангани, шунингдек, Қорақўл туманидаги 23-, 50-умумий ўрта таълим мактабларида ва Олот туманидаги 4-, 35-умумий ўрта таълим мактабларида алоҳида кутубхона йўқлиги, кутубхона ўқитувчилар хонасида жойлашганлиги қайд этилди. Шунингдек, Жиззах вилоятидаги 550 та мактабдан 426 таси ўрганилиб, мактаб ўқувчилари дарсликлар билан 96 фоиз, Самарқанд вилоятидаги 1255 та мактабдан 1224 таси ўрганилиб, мактаб ўқувчилари дарсликлар билан 96,8 фоиз, Сирдарё вилоятидаги 313 та мактабдан 305 таси ўрганилиб, мактаб ўқувчилари дарсликлар билан 96 фоиз таъминлангани аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида “Адолат” СДП фракцияси Халқ таълими вазирли-

гига расмий хат билан мурожаат қилди.

Халқ таълими вазирлиги “Адолат” СДП фракцияси мурожаатини эътиборга олиб, амалдаги дарсликлар камчиликларини бартараф этишга киришди. Бугунги кунда партиянинг таклифлари дарсликларни яратиш ва нашр этиш соҳасида ижобий натижа бермоқда.

Депутатлар Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказига ташрифи давомида “Миллий ўқув дастури”нинг жорий этилиши ҳолати, ўқув адабиётларнинг яратилиши ҳамда нашр этилиши, “Миллий ўқув дастури”нинг халқаро экспертлар ва амалиётчи ўқитувчилар иштирокида синовдан ўтказилганлиги, улар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларнинг инобатга олинганлиги ҳолатларига алоҳида эътибор қаратишди. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларининг “Миллий ўқув дастури” асосида яратилган ўқув адабиётлар билан таъминланганлик ҳолати ҳамда ажратилган маблағлар-

дан самарали ва мақсадли фойдаланганлиги масалалари ҳам ишчи гуруҳи диққат марказида бўлди.

Шунингдек, Давлат дастурининг 225-бандидан келиб чиқиб, янги авлод дарсликлари ўқитувчининг методик қўлланмаси, ўқувчининг машқ дафтари ва мультимедиа иловаси билан бирга комплекс тарзда яратиш ва нашр этиш, ўқувчиларни келгуси ҳаётга тайёрлаш ва уларга ўз билим ва кўникмаларидан амалиётда фойдаланишни ўргатувчи малака талабларини синфлар кесимида ишлаб чиқиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ташриф давомида соҳа мутасаддилари иштирокида йиғилиш ташкил этилиб, соҳани янада ривожлантиришда ёшларни мамлакат келажаги дея қараш таъминли доирасида иш олиб бориш зарурлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, соҳани ривожлантиришда зарур қонунчиликни такомиллаштириш ва таклифларни амалиётга жорий этиш, доимий ҳамкорликда ишлаш масалаларида келишиб олинди.

Нилуфар МИРЗАЕВА,
“Adolat” мухбири



“Ўзбеккўмир” АЖ Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси

*Сизларни ва яқинларингизни
энг улуг, энг азиз байрам —
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллиги кун билан
самимий муборакбод этади.*

*Барчангизга
сиҳат-
саломатлик,
хонадонларингизга
файзу
барака
тилаймиз.
Мустақил
Ватанимизнинг
тинчлиги,
гуллаб-яшнаши
ва равнақи
йўлида олиб
бораётган
ишларингиз
бардавом
бўлсин!*



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда “Ўзбеккўмир” АЖ Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ва филиаллар касба қўмиталари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бу ерда бор — меҳнат ва роҳат

Дастурдаги ижтимоий ривожланиш соҳаси бўйича — тизимдаги касаба уюшма аъзоларининг турмуш шароитларини яхшилаш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларни санаторийларда, дам олиш уйларида соғломлаштириш, тизимда спортни янада оммалаштириш, туризмни ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилди.

Акциядорлик жамияти филиалларига жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 126 нафар — 30 нафар ёш мутахассис, 21 нафар коллеж битирувчилари, 9 нафар бакалавр, 34 нафар ёшлар квота бўйича ишга қабул қилинди. “Устоз-шогирд” тизимида ишга жойлаштириш ишлари касаба қўмиталари томонидан алоҳида назоратга олинган.

Меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириш мақсадида тасарруфдаги филиалларда жами 102 нафар меҳнат муҳофазаси вакиллари сайланган бўлиб, жамият ўқув марказида уларнинг билимларини ошириш йўлга қўйилган.

“Ўзбеккўмир” АЖ маъмурияти ва Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ҳар бир ишчи-ходимнинг соғлигини асраш, жароҳат олишига йўл қўйилмаслиги учун тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, тизимда ҳар бир байрам ўзига хос тарзда ўтказилмоқда. Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб 42 нафар афгон уруши қатнашчилари учун Тошкент шаҳрига бир кунлик саёҳат уюштирилди. Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишлаб 100 нафардан ортқ хотин-қизлар учун тантанали тадбир ўтказилди, уларга совғалар берилди. Наврўз байрами муносабати билан тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-хотим 100 000 сўмдан рағбатлантирилди. Хотира ва кадрлаш кўни муносабати билан тизимда меҳнат қилган фахрийлар базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорда рағбатлантирилди. 150 дан ортқ елғиз пенсионерлар ва кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган oila-ларга, ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Кончилар байрами муносабати билан 30 нафар ишчи-хотимлар телевизор, 14 нафар пенсионерлар қимматбаҳо совғалар, 17 нафар ишчи-хотимлар “Фахрий



ёрлик”лар, 20 нафари “Ташаккурнома” ва 20 нафари “Қончилик шўҳрати” медаллари билан тақдирланди.

Ўзбекистон кўмир саноати ходимларининг касб байрамига бағишлаб, спортнинг шахмат, шашка, стол теннис, минифутбол, волейбол турлари бўйича эркаклар ва аёллар командалари иштирокида мусобақалар, спартакиадалар ўтказилди. Бундай тадбирларда филиаллардан 400 нафардан ортқ ишчи-хотимлар қатнашди.

Жамият тасарруфидаги корхоналарда ишлаб, юбилей ёшига етган ишчи-хотимларни муносиб тақдирлаш ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Жамоа шартномасида тизимда меҳнат қилаётган ёшларга нисбатан имтиёзлар белгиланган. Жамият Бирлашган касаба уюшмаси қўмитасида “Ёшлар билан ишлаш комиссияси” тузилган ва бу комиссия ўз режаси бўйича фаолият олиб бормоқда. Ёшлар билан ишлашни янада кенгайтириш бўйича “Ўзбеккўмир” АЖ маъмуриятида “Ёшлар кенгаши” фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, “Ўзбеккўмир” АЖ Бирлашган касаба уюшмаси ва унинг филиалларида иш яхши ташкил этилган. Бу ерда “Яхши дам — меҳнатга ҳамдам” шиори асосида иш юритилади.

